Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 17 ноябрь, сешанба • № 137 (24.374).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги пайтларда Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш пайтида йўлларда ҳаракатланиш иштирокчиларига нисбатан қўпол муомалада бўлиш, уларнинг ҳуқуқларини бузиш, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Мазкур нуқсонларни бартараф этиш, ички ишлар идораларининг Давлат автомобиль назорати тизими ходимларининг маданиятини ошириш, улар томонидан хизмат интизомига ва қонунчиликка оғишмай риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (З. Алматов):

— Республика ички ишлар идоралари ДАН тизими шахсий таркибини уч ой муддатда навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш воситасида унинг сафларини малакали, хизмат бурчига садоқатли, юқори маданиятли ходимлар билан тўлдириш;

— ДАН хизматига ички ишлар идораларининг бошқа хизматларида камида бир йил мобайнида ўзини ижобий кўрсатган, тегишли мутахассислиги бўлган ходимларни ўтказишни йўлга қўйиш;

— бир ой муддатда ИИВ Академияси таркибида ДАН ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш куллиётини очиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

— Ички ишлар вазирлиги тегишли тезкор тармоқлари Миллий хавфсизлик идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ДАН ходимларининг хизмат фаолияти устидан мунтазам норасмий текширувлар ўтказишини йўлга қўйиш;

— ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимларини ДАН тизимига юкланган вазифаларни бажаришга жалб этиш зарурати туғилганда фақат республика ички ишлар вазирининг рухсати билан амалга ошириш;

— жойлардаги ички ишлар идораларида ДАН ходимларининг муомала маданиятини ошириш, хизмат кийимлари ва белгиларини ўрнатилган тартибда тутишларини таъминлаш юзасидан тадбирлар амалга ошириш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) Республика Прокуратураси (Б. Мустафоев), Адлия вазирлиги (С. Мирсафоев), Давлат божхона қўмитаси (Ў. Комилов) ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Б. Қосимов) билан биргаликда бир ой ичида ДАН ходимларининг ваколат доираси, улар томонидан автомототранспорт воситаларини тўхтатиш, йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш масалаларини тартибга солувчи Низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

— мазкур Низом республика ҳукумати томонидан тасдиқланган-дан сўнг уни ҳар бир ДАН ходими диққатига етказсин ва унга аниқ, оғишмай риоя этилишини таъминласин;

— Низомда кўзда тутилмаган ҳолатларда ДАН ходимлари томонидан автомототранспорт воситаларини тўхтатишни, йўлларда қатновни чеклашни йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигига зарар келтириш ва хизмат интизомини бузиш деб баҳоласин, айбдорларга ички ишлар идораларидан бўшатишгача бўлган қатъий чоралар кўрсин.

3. ДАН ходимлари томонидан ҳайдовчилар ва йўловчиларга нисбатан қўполлик қилиш ҳолатлари ваколатдан четга чиқувчи, хизмат этикасига зид ва «Ички ишлар идоралари ходими» номини бадном қилувчи ҳолат деб белгилаб қўйилсин.

4. «Ўзавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси (Қ. Сидиқназаров), «Ватанпарвар» жамияти (А. Абдуқаҳҳоров) ҳайдовчилар ва тингловчилар орасида уларнинг ҳуқуқлари, ДАН ходимлари ваколатларини тушунтириш ишларини ташкил қилсинлар.

5. Оммавий ахборот воситаларига ДАН ходимлари ва йўлларда ҳаракатланиш иштирокчилари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, белгиланган қоидаларга риоя этиш каби масалаларга оид муаммоларни кенг ёритиш таклиф қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (С. Мирсафоев) ва Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) бир ой ичида тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф берсинлар.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У. Худойқулов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1998 йил 14 ноябрь

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

Ҳаётимиз қомуси — Конституциямиз, миллий гербимиз, мадҳиямиз, пулимиз каби давлат мустақиллиги ва фуқаролар дахлсизлигининг рамзи бўлмиш Байроғимизнинг ҳилпирай бошлаганига етти йил тўлди. Лекин тарих учун бир мижжа қоқудек ана шу қисқа муддат ичида йўлбошчимиз раҳнамолигида етмиш йилларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз қиёфаси, юртимиз жамоли ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб, йирик-йирик иншоотлар, янги-янги корхоналар қад кўтарди, қадимий меъморлигимиз асосида бетакрор маданий-маиший иншоотлар қурилди, боғ ва хиёбонлар барпо этилди.

Давлатимиз Байроғи халқимизнинг эркин-эминлиги, руҳи, мақсад-муддаолари, ғурур-ифтихори, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати рамзи бўлиб ҳилпирайверсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Ислом оламининг беназир мутафаккири, буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг дунё маданияти ҳазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, унинг башариятга қолдирган бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш ҳамда эзгулик ва маънавий комилликка етакловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, фарзандларимиз онгу шуурига теран сингдириб бориш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, республика Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, Тошкент шаҳар ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ва бошқа бир қатор ташкилот ҳамда идоралар томонидан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилганлиги эътиборга олинсин ва кенг жамоатчиликнинг мазкур жамғармани қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Мамлакатимиз ташкилотлари, идоралари, корхоналар, тижорат банклари ва бошқа муассасалардан иборат ҳомийлар гуруҳи эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси Низомини белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

2. Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини жамғарма балансига ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг таклифи маъқуллансин.

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг Самарқанд вилоятидаги бўлими мазкур мажмуага жойлаштирилиши назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион сўм ажратсин.

Қувайт давлати амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ томонидан Имом ал-Бухорий мажмуига хайрия этилган 500. 000 АҚШ долларига тенг маблағ жамғармага ўтказилгани инобатга олинсин.

Ўзбекистон фуқаролари ва ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий шахсларнинг хайрия улушлари учун жамғарма ҳисоби очиқ эканлиги қайд этилсин.

Жамғарма, унинг бўлимлари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган барча солиқлардан, божхона тўловларидан беш йил муддатга озод қилинсин.

4. Жамғармага тушган маблағлар алоҳида ҳисобга олиниб, уларни харажат қилиш қуйидаги мақсадлар учун ишлатилсин:

— Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва меросини ўрганиш, уни кенг тарғиб қилиш, алломанинг шахси билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни қидириб топиш ва тўплаш мақсадида илмий ва амалий экспедициялар ташкил этишга;

— Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуини зиёратгоҳга айлантириш, унинг муқаддас қадамжоларига маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёратларини уюштиришга;

— муҳаддис ижодига мансуб барча турдаги асарлар ва манбаларни излаш, жамлаш ва уларни чоп этишга;

— миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган қадимий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилишга;

— Имом ал-Бухорийнинг маънавий-маърифий ва бошқа йўналишдаги асарларини халқ, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни миллий ифтихор ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга;

— миллий одоб-ахлоқ анъаналарига, урф-одатларга, умуминсоний қадриятларга асосланган, ёшлар руҳиятига мос таълим-тарбия, тарғиботташвиқот ишларини олиб боришда мутафаккир асарларидан унумли фойдаланиб, кўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш, бадиий, илмий-оммабоп фильмлар яратиш, адабиётлар, кўргазмали воситалар ва бошқаларни нашр этишга.

Тўпланган маблағларнинг ана шу мақсадлардан ташқари ўзлаштирилиши ман қилинсин.

5. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

— Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб этиш;

— халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, уларда миллий ғурур, аждодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига садоқатни мустаҳкамлашда Имом ал-Бухорий ва бошқа улуғ мутафаккирларимиз маънавий меросидан самарали фойдаланиш;

— юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ва қадамжоларини зиёрат қилиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— Имом ал-Бухорий мероси, ўзбек халқининг маданий-маънавий қадриятлари ҳамда ислом фалсафасига бағишланган халқаро илмий анжуманлар уюштириш, экспедициялар ташкил этиш;

— мамлакатимиз ва чет эллик олимларнинг Имом ал-Бухорий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган илмий фаолиятини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш, чет эллардаги давлат, жамоат ва хайрия ташкилотлари билан мунтазам илмий-амалий алоқаларни йўлга қўйиш;

— Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомиъ ас-Саҳийҳи» ва умумэътироф этилган яна бешта ишончли ҳадислар тўпламларини ўзбек ва бошқа тиллардаги изоҳли ҳамда оммабоп нашрларини амалга ошириш ва тарқатиш;

— Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги илмий изоҳли таржимаси нашрини амалга ошириш ва тарқатиш;

— ўзбек халқининг қўлёзма мероси миллий маркази ва унинг электрон кутубхонасини яратиш;

— халқаро аҳамиятга молик диний-тарихий ёзма обидаларнинг факсимиле, репринт ва илмий нашрларини амалга ошириш ва тарқатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Фанлар академияси жамғармага барча нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда ва ҳамкорлик қилишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарув аппаратига хизмат кўрсатиш учун 1 та енгил автомашина ва 1 та микроавтобусга лимит ажратсин.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси белгиланган лимитга мувофиқ Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини автомашиналар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлигига Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувини шаҳар ва ҳукумат телефон алоқаси билан таъминлаш топширилсин.

9. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси раиси ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси давлат қўмиталари раислари ва раис ўринбосарлари учун тегишли равишда белгиланган моддий-маиший ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари татбиқ этилсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (К. Тўлаганов) бир ой муддатда Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини бино билан таъминласин.

11. «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситаларига Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1998 йил 16 ноябрь

XXI аср ўзбек ёшлари



Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:

1 АҚШ доллари 108 сўм, 08 тийин.

Бу дунёнинг ишлари

Зое кетган уриниш

Ўтган якшанба куни Чеченистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Салмон Радуевни мажбуран ҳибсга олиш учун ҳаракат қилишди. Бу ҳақда Бош вазир ўринбосари Турпал Отгариев хабар берди. Бироқ, Радуев вақтида қочиб қолди. Шариат бўйича давлат хавфсизлиги вазири Аслонбек Арсаев уни расмий равишда оғоҳлантириб, суд қарорига бўйсундиришга чақирди. Отгариев эса Радуевни албатта қамоққа олиш зарурлигини айтди. Олий шариат суди раиси Бекхон Хасуханов суд Радуевга раҳм қилиб 10 йил ўрнига бор-йўғи тўрт йил қамоқ жазоси берилганлигини айтиб ўтди.

Сайлов якунланди

Кеча мустақил Грузияда тарихда биринчи марта маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов бўлиб ўтди. 13 сиёсий партия иштирок этган сайловлар аралаш тизимда ўтказилди. Маҳаллий бошқарув органларига жами 10691 киши сайланди.

Хатлар, хатлар, хатлар

Бизга кўмак беришармикан?

ёки маҳбусхонадан йўлланган мактуб

Газетамизнинг 1998 йил 22 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида андижонлик Соҳиба Мадимарованинг бизга йўллаган хати босилган эди. Хат эгасининг дил сўзлари босилган газета маълум бўлишича, аёллар маҳбусхонасида қўлма-қўл бўлиб кетган. Билвосита ва бевосита хибсга олинган хотин-қизлар айбсиз-айбдор бўлиб қолган Султонхон Раҳимованинг аҳволига тушуниб, адолат тантана қилиши керак деган маънода таҳририятимизга хат йўллашибди. Унда айтилишича, аёли йиғламаган эл бахтлидир — дейилган. Ҳурматли газетхон гап нимада эканлигини билолмай ҳайрон бўлишаётгандир. Келинг, яхшиси аёлларнинг маҳбусхонадан ёзган хати билан танишинг.

«...Мустақиллик туфайли бой тарихий маънавиятимиз қадри тобора ошиб бормоқда. Инсоф-диёнат, ҳалол ва поклик, билим ва тафаккур қолаверса, ҳурфикрлик каби қадриятлар тикланмоқда. Бундай ўзгариш ва покланишлардан кўнглимиз равшан тортиши табиий. Зеро, буни ҳаёт дейдилар. Дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Инсон боласи борки билмайин тикан босиб жабрини тортиши мумкин. Аммо қуруқ туҳматдан Оллоҳнинг ўзи асрасин. Зотан, саккиз болани оёққа турғизаман деб, турмушини яхшилаш йўлида саъй-ҳаракат қилган Султонхон Раҳимованинг нима сабабдан икки йилдан бери сафимизда юрганига ҳайронмиз. Бировга яхшилик қилиш охири ёмонлик билан тугайди деб ким айтади. У Саидахон Қосимова билан тадбиркорлик йўлида ўзаро ҳамкорлик қилиб, унга қарз берган бўлса айбдорми? Ҳадисларда ҳам қарзингни бир марта сўраб қўй деган-у. Ёмони шундаки, Саидахонни бир «ақлли» аёл йўлдан уриб: «яна пулингини сўраб келса ИИБ бўлимига ариза ёзиб бер» деб ўргатган. Милиция эса ҳудди шундай ҳолатни пойлаб туриб, Султонхонни қўлга олган. Бор гап шу. Аммо, тергов пайтида Саида Қосимова туҳмат қилганини тан олди. Энди буёғи қизиқ бўляпти-ку. Суд ишни яна терговга қайтарди. Кўпроқ аниқлик керак эмиш. Бизга қоронғи-ку, балки айбсиз аёлни қамоқдан чиқариб юбормаслик учун янада кўпроқ далил ва кўргазмаларни кучайтиришдан мақсад нима? Суд жараёни бу аҳволда давом этаверса, юрак ҳасталиги тобора оғирлашиб бораётган Султонхоннинг аҳволи нима кечади. Ахир, юқори ташкилотлар, Бош прокурор, Олий суд номига йўлланган хатларимизга жавоб бўлмяпти-ку. Қачон адолат қарор топади. Битта илтимос — аёл, оналик манфаати шаъниномусининг қадрига етайлик.

Сизларга илтижо кўзларини тикиб қолувчи, маҳсубхона аёллари».

Сув бўйида ташналик

«Бухоротекс»нинг довруғи нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки олис хорижга ҳам таралгани ҳеч кимга сир эмас. Корхона дарвозаси олдида хорижлик харидорлар мудом навбатда туришар, узоқ муддатли алоқалар ўрнатишга шошилишарди. Шу боис маҳсулот экспорт қўлами кун сайин ошиб борар, Испания, Германия, Швейцария, Руминия, Туркия, Россия, Белоруссиядан корхона маҳсулотига харидорлар бисёр эди. Шунинг эвазига хорижга сотилган маҳсулот ҳажми бултур 13,6 миллион АҚШ долларини ташкил этганди. Хуллас, қозон ҳам, чўмич ҳам мой эдида.

Хўш, бугунчи? Нега корхона шуҳратига путур етаяпти? Мамлакатимиз енгил саноати тизимининг фахри ҳисобланган «Бухоротекс»га кўз тегдими? Ёки имкониятлар эшигини очадиганлар йўқми? Ана шу саволларга жавоб топиш учун бош корхона ва унинг жойлардаги филиалларида бўлишга ҳамда раҳбарларнинг бу борадаги фикрини эшитишга тўғри келди.

— Ҳозир ҳам ёмон ишлаётганимиз йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Шукрулло Давиров. — Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида режадаги 5 миллиард 907 миллион сўмлик ўрнига 6 миллиард 32 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқардик. Фақат ҳозир ишлаб чиқаришни бошқариш қийинлашяпти. Сабаби ускуналар эскирган. Улар дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган, комплектлаш учун эҳтиёж қисмлари зарур.

Раиснинг таъкидлашича, ҳозирги асосий харидор — Россия. Бошқа хорижликлар қадамларини тортдилар. Сабаби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг деярли ҳаммаси жаҳон бозори талабига жавоб бермайди. Бунинг учун аввало технологияни янгилаш даркор. Кимё билан ишлашга ўтиш лозим. Хўш, кимёвий моддаларни четдан олиш иложи борми — бор. Аммо, бу борада ҳам муаммолар қалашиб ётибди.

Яқинда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилишида бор имкониятлардан фойдаланишдаги нуқсонлар тўғри тан олинди. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш қониқарли эмаслиги аён бўлди. Бунинг туб сабаблари очиб ташланди. 9 ойда жамият бўйича 2379 тонна ип-калава, 6368 квадрат метр тайёр маҳсулот, 8754 минг погонметр хом сурп кам ишлаб чиқарилишининг асосий сабаби пахта толаси таъминотидаги сурункали узилишлардир. Айниқса, учинчи чоракда хомашёнинг етишмаслиги тўртта филиалнинг умуман тўхтаб қолиши ҳамда август, сентябрь ойларида бош корхонанинг бир сменали иш режими асосида фаолият кўрсатишига олиб келди. Бу эса ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўриш демакдир. Минглаб ишчилар ишсиз қолдилар. Корхона эса хорижга 2,9 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот жўната олди, холос. Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳеч қачон осмондан чалпак ёғмаган. Маълумки, ҳар йили Тошкентда республика улгуржи савдо ярмаркасида «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси тақсимотига асосан тўқимачилик саноати маҳсулотларини сотиб олишни хоҳловчи фирма ва ташкилотлар билан шартномалар тузилади. «Бухоротекс» билан жорий йил учун бу ерда 186 та олди-сотди шартномаси тузилганди. Минг афсуски, ўтган тўққиз ойда бу шартномаларнинг бирортаси ҳам бажарилмаган! Бу эса жамият раҳбарларини янада ҳушёр торттирмасмикан?

Биз юқорида бош корхона филиалларининг ойлаб тўхтаб қолгани ҳақида гапиргандик. Келинг, муаммога ойдинлик киритайлик. Вобкент йигирув-тўқув фабрикасида бўлганимизда сукунатнинг шоҳиди бўлдик. Фабриканинг директори Нуриддин Мўминов хижолатдан бош кўтаролмади. Фабриканинг лойиҳа қуввати йилига 13,9 миллион погонметр хом сурп тўқиш, 1700 тонна ип-калава йигиришга мўлжалланган. 940 ишчи ишлаши керак. Аммо пахта толаси етишмаслиги оқибатида корхона май ойидан буён ишламайди. Пул бўлса, тола йўқ, тола бўлса — пул. Ҳар ойда корхонага 140 тонна пахта толаси керак бўлади. Фақатгина октябрь ойида 32 тонна тола олинган, холос. Бу билан корхона қандай қилиб лойиҳа қувватига эришсин, ахир! Ўтган ойлар давомида таъминот чиқарилган 940 ишчидан ҳозир атиги 474 киши ишга қайта чақириб олинди. Улар ҳам пахта йиғим-теримига сафарбар этилган.

— Жорий йилда фабрикамизга 2400 тонна пахта толаси керак. Ўтган ўн ойда 518,5 тонна тола олдик, холос? — дейди корхона раҳбари. — Бу аҳволда ишчидан унум ва сифатни талаб қилишга ожизмиз.

— Таъминотдаги узилишлар биринчи чоракда олган 2,5 миллион сўмлик фойдамизни еб кетди, — дейди корхона бош ҳисобчиси Салима Шукурова. — Бунинг устига, ишчилардан 3 миллион сўмлик қарзимиз ҳам бор. Серхаражат, кам унумли дастгоҳлардан оғиз очмасак ҳам бўлади. 12 миллион сўмлик кредитор қарзимиз бор. Газ, электр энергияси узиб қўйилгани-чи? Қишда ҳолимиз не кечади, билмаймиз.

Ҳа, юқоридаги аянчли рақамлардан ишчилар кўпроқ азият чекаётирлар. Нақд пул кўлларига тегмаганига ҳам анча бўлди. Фақат ишлаганлари эвазига сочиқ, чит, кўрпа-тўшак жилди, пайпоқ, айрим пайтларда оз бўлса-да озиқ-овқат маҳсулотларини олиб турибдилар. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: ишчининг бола-чақаси, орзу-ҳаваси йўқми? Сочиқ, чит билан қорин тўярмиди?

Ғиждувон йигирув-тўқув фабрикасида бўлганимизда бундан оғирроқ манзарага дуч келдик. Корхона дирекори Аслон Исломов телефонда «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Неъмат Ҳамроевга ҳеч бўлмаганда 4 тонна пахта толаси беришларини сўраб, ёлворарди. Аммо, фойдаси бўлмади. Директорнинг фиғони кўкка чиқди.

— Ахир, биз ўгайми? — дейди у жаҳлини босиб, — таъминотни бош корхона амалга ошириши керак-ку?!

Тола йўқлигидан тўрт ойда беш юз чоғли ишчи бираётўла меҳнат ва ўз ҳисобидан таътилга чиққанида бундан ҳам қийинроқ ҳолат юзага келганди. Ахир бу — корхонада ишловчиларнинг тенг ярми ишсиз қолгани эмасми? Йилнинг дастлабки беш ойида корхонада иш бир маромда борди. Биринчи чоракда 6 миллион 380 минг сўм соф фойда олинди. Иккинчи чоракда зиён кўрилиб, ана шу фойданинг 1 миллион 166 минг сўми қулоғини ушлаб кетди. Фабрика эҳтиёжини қоплаш учун ойига 185 тонна тола керак. Ўтган 10 ойда эса корхона 700 тонна тола олмаганлигидан 20 миллион сўм зарар кўрди. Яна бир муаммо. Ҳар йили вилоятда 360-380 минг тонна пахта етиштирилади. Толанинг атиги 700 тоннадан кўпроғи «Бухоротекс» учун ажратилади. Қолгани бошқа вилоятлардан ташиб келтирилади. Шуни назарга олсак, толани ташиб келтириш машаққати, харажатлар тайёр маҳсулот таннархини оширмай қўймайди. Биргина Ғиждувон йигирув-тўқув фабрикасидан 300 метр узоқликда пахта тозалаш заводи бўла туриб, йигирувчилар толани Бухородан ташиб келтирадилар. Транспорт харажатлари учун фабрика «Бухоротекс»га ойига 200-300 минг сўм тўлайди. Бундан ташқари толани ташиб келтириш учун фабрика хамёнидан яна 100 минг сўм маблағ кетади. Вобкент, Қоракўл фабрикалари ҳам худди шундай чиқимга маҳкум этилган. Хўш, бу ортиқча сарф-харажат кимга керак? Ахир, ҳар бир фабрика ўзига яқин корхонадан тола олса бўлмайдими? Таъминотдаги бу номақбул усул бизга сув тепасида турган ташналарни эслатади.

Мустақиллигимизнинг еттинчи йили ҳам охирламоқда. Аммо, таъминотнинг бундай усули ҳамон давом этмоқда. Бу муаммони ҳал этиш учун ким майдонга тушади, бу ҳали жумбоқ. Зеро, янгича иш услубини жорий этиш учун ҳар бир корхона тўла маънода мустақил бўлиш керак. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси мутасаддилари бу ҳақда ўйлаб кўрсалар яхши бўлармиди?

Шулар ҳақида ўйларканмиз, «Бухоротекс» ва унинг филиалларидаги иқтисодий ночорликдан қутулишнинг яна бир йўли қўшма корхоналар ташкил этишнинг вақти келмадимикин? Ахир хорижий сармоядорларни жалб этиб, қўшма корхона ташкил этиш ҳаётий эҳтиёж-ку. Аммо, Бухорода бу борада анчадан буён гап юрса-да амалий ишдан дарак йўқ.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Журналист текшируви

Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Иброҳим АСҚАРОВ, Фарғона вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги.

— Эрталаб иш столим устига қўйилган газеталар тахлами орасидан дастлаб «Ўзбекистон овози»ни олиб ўқийман. Зеро, мавзу ранг-баранглиги, берилган материалларнинг пишиқ-пухталиги, мазмунан чуқурлиги ва лўндалиги, жонажон Ўзбекистонимиз ҳаётининг барча қирраларини рўйрост кўрсатишга интилиши жиҳатдан «Ўзбекистон овози» бошқа нашрлардан ажралиб туради. Газета ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан божхоналар фаолиятини ёритишда ҳам пешқадамлик қилмоқда. Ўтган йили республика божхоналари ходимларининг Ватан олдидаги бурчларини қандай бажараётганликлари хусусида «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарида бир қатор мақолалар эълон қилинди. Бу эса ходимлар ишига берилган юксак баҳо ҳамда уларни янада яхшироқ ишлашга чорловчи, масъуликларини оширишга хизмат қилувчи ҳолдир. Ўтган йили ҳам ходимларимиз «Ўзбекистон овози» газетасига ёппасига обуна бўлган эдилар. Куни кеча суриштирсам, Фарғона вилоят божхона бошқармаси ва унга қарашли идоралар ходимлари яна юз фоиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишибди. Ҳатто газета мухлиси бўлган кўплаб маънавияти бой, ўқимишли ходимларимиз бошқаларни ҳам «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга тарғиб этишяпти.

Маънавияти баркамол ходим ватанпарвар бўлади. Бир мисол. Ўтган йили вилоят божхона бошқармаси бўйича ҳар бир ходим келтирган соф фойда ўн ойда 820 минг сўмданни ташкил қилган бўлса, бу йил ушбу рақам 5 миллион 960 минг сўмга етди! Бундан 1998 йилнинг ўн ойи мобайнида давлат бюджетига 954 миллион 100 минг сўм ўтказди.

Газеталар таҳририяти юртбошимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгашларидаги нутқларидан келиб чиқиб, халқ мулкини арзон-гаров четга пулловчилар, четдан сифатсиз, ноқонуний мол келтириб сотишга уринувчилар, уларнинг «соябон»лари хусусида фош қилувчи мақолалар беради, дея умид қиламиз.

Неъмат АМИНОВ

Ўзликни топганда ўзини йўқотганлар

ёхуд маънавий кемтиклик

1

Бундан бир неча йил аввал Самарқанднинг Сиёб бозорида нуроний бир отахонни кўрган эдим. Бўйинбоғ таққан, оқ халатли паттачи йигит ундан дуо оларди. Чолнинг дуоси қисқа бўлди: «Оллоҳ тириклар қалбини-ю, ўликлар нафсини берсин!»

Самарқанд вилоятининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимизнинг «Инсоф борми, диёнат борми, қаёққа қараяпсизлар ўзи? Охиратдан қўрқмадингларми?» деган сўзларини ва у киши тилга олган аянчли фактларни эшитиб ўтирарканман, ўша отахоннинг дуоси қайта-қайта эсимга тушиб, унинг нурли сиймоси кўз олдимда гавдаланиб турди.

«.....ўликлар нафсини берсин!» Бу шундай ўз-ўзидан тиланган дуо эмас. Бу дуонинг асл моҳиятини бани мусулмон фарзанди борки, минг йиллар давомида гоҳ у шаклда, гоҳ бу шаклда такрорлаб келган. Неча-неча авлиёю анбиёлар, алломалар шайтоний икки нафса қарши курашиб, умргузаронлик қилганлар. Чунки бу ёруғ оламдаги барча иллатлар — порахўрлик, қасамхўрлик, ҳаромхўрлик каби ўнлаб «хўр»ликлар (оқибати «хор»ликлар) яна қанчадан-қанча «мансабпарастлик», «шуҳратпарастлик», «ишратпарастлик», «назарипастлик» сингари шайтоний «параст»ликлар шу икки нафс туфайли келиб чиққанини Президентнинг сўзларини эшитиб туриб яна бир карра қаноат ҳосил қилдим.

Истиқлол қайтиб берган ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд:

Ҳеч нимамиз йўғу, ҳеч недан камимиз,

Шу ҳеч туфайли ҳеч йўқ ғамимиз.

Жанда елкадаю елкамиз гўрда,

Ўлсак агар ҳеч йўқ мотамимиз.

Деганларида ҳеч нарсалари йўқлиги учун қамбағаллиқдан зорланиб эмас, маънавий бойликдан фахрланиб ёзганлар. У киши руҳий меъёр мезонини тариқатда, ҳалол меҳнату ҳалол луқмада, деб тушунганлар. Шунинг учун ҳам «Дил баёру, даст ба кор» бугунлик кунда машриқдан мағрибгача икки дунё шиорига айланиб бормоқда. Ислом оламининг яна бир алломаси Имом Ғаззолий руҳий меъёр мезонини шариат қонунларида кўрганлар. Аҳмад Яссавий ва девонайи шоҳ Машраб янада чуқурроқ, бу меъёр Сирот кўпригида деб билганлар.

Юқоридаги ва бошқа алломалар руҳий меъёр масаласида гуруҳ-гуруҳ муридларни ўзларига эргаштириб «нафс ити»ни занжирбанд қилиб, унга ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам қоптирмасликка даъват этганлар. Уларнинг назарлари баланд бўлган, кўзлари ҳамиша тўқ бўлган. Бутун халқни, ўзларига суйган ҳукмдорларни ҳам шунга даъват этиб, юрт тинчлиги ва барқарорлиги учун хизмат қилганлар.

«Мен маънавиятни минг карра моддийликдан устун кўяман» деганларида Президент минг карра ҳақ.

Дарҳақиқат, неча-неча асрлар мустақилликка ташна халқимизга истиқлол оби ҳаётидан қониб-қониб ичишга имконият яратиб берилгани ҳеч кимга сир эмас. Минг йиллик қадриятларимиз тикланиб, «Маънавият» деган тушунча давлат сиёсатининг устувор чўққиси сари тобора кўтарилиб бормоқда. Бойлар, пулдорлар кўпайгани ҳам кундай равшан. Отам раҳматли: «Шуни билки, семизликни қўй кўтаради, бойликни жуҳуд» деб айтардилар. У киши бу гапни зинҳор ўз халқимиз, ўз миллатимизни камситиш учун эмас, балки жуҳудларнинг бойлик топиш ва уни сарф-харажатида ҳам устамонлигига тан бериб айтардилар.

2

Бир томондан бойларнинг кўпайгани яхши. Халқимиз неча йиллар топталган ўзлигини топаётган бир пайтда айрим кишилар осон бойлик топиб, шуни эвазига ўзини йўқотиб, босар-тусарини билмай қолмоқдалар. Ўзини йўқотганлар ўрни келганда ўзлигини йўқотмайди, деб ким кафолат бера олади. Бунга ўлкамиз тарихида мисоллар қалашиб ётибди. Оёғи ердан, қўли осмондан узилган кишидан нимани ҳам кутиш мумкин.

Маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик Президентимиз китобида келтирилганидек, хавфсизлигимизга, халқ ўзлигига таҳдид солувчи бир иллатдир. «Команда туз» дегани бу маҳаллийчилик ёки қариндош-уруғчилик дегани эмас-ку? Наҳотки шунинг фарқига бормасак. Ёки янги бойлар, айниқса, мансабдор раҳбарлар қилмиш-қидирмишлари билан, дабдабали тўйлару осмонўпар кошоналари билан оддий халқнинг ички норозилигига сабаб бўлмоқдалар. Бу аҳолининг юқори қатламлари орасида руҳий меъёрликнинг бузилишига, шу билан бирга пастки қатлам орасида руҳий камситилишга олиб келади. Нафақат тижада, руҳий меъёр тарозисининг паллалари лапанглаб бири пастга, иккинчиси юқорига кўтарилиб кетади. Қарабсизки, руҳий меъёр бузилган ерда эса маънавий кемтиклик рўй беради.

Президентимизнинг «Тўй ҳашам, оилавий тантаналарни, маъракага ва маросимларни тартибга солиш» ҳақида яқинда чиқарган Фармони руҳий меъёр мезони борасида ўз вақтида чиқарилган энг муҳим ҳужжат бўлди.

3

Сессияда Президентимизнинг «Севастопол» кўчаси ҳақидаги саволлари ўша топда мени бутунлай гангитиб қўйди. Бугунлик кунда Самарқанддай шаҳри азимда янги бунёд этилган «казо-казо»лар кўчасининг ҳалига қадар шу номда аталиши ажабланарли ҳол. Шундай кўча борлигини ҳатто «иродасиз» (ўз иқрори) шаҳар ҳокими ҳам, қолаверса биз маънавиятчилар билмаганимиз учун айбни ўзимиздан соқит қилмоқчи эмасмиз. Кўча номини аллақачон ўзгартириш керак эди. Шубҳасиз, бу маънавиятсизликнинг кичик бир кўриниши. Бироқ, сессияда тилга олинган шармандали фактлар олдида бу арзимаган гапга ўхшайди. Ҳамма бало ана шу арзимаган кичик хатолардан бошланган, ўша ғофил мансабдорлар «Раҳим асфальт» сингари шайтонларнинг «тупроқ ўйини»га қараб кўзлари басир бўлганида эмасми?

Йўлбошчимиз «Севастополь кўчаси» ҳақидаги савол билан менга мурожаат қилганларида аксар Олий Мажлис депутатлари қаторида мен ҳам ер билан яксон бўлиб ўтирардим. Андиша юкиданми, журъатсизликданми ўрнимдан зўрға турдим. Айтмоқчи бўлган гапларим бўғзимда тош қотди гўё. Буйраклари серқирра тошдек бу сўзлар неча кеча-кундуз юрагимда мадда бойлаб, сира уйқу бермади. Кўзларим юмиларюмилмас уйғониб кетаман. Президентнинг сўзлари эсимга тушади.

«Ҳаётда шундай кимсалар борки, аввал қармоқни учига бир парча луқма илиб беради, уни ютдингми тамом, аста секин торта бошлайди, натижада жиғилдонинг билан суғуриб олади. Билиб-билмай унинг домига тушиб қоласан. Кейин бора-бора ана шу шайтоннинг қулига айланиб, етовидан юрасан».

Ҳа, балли! Ҳамма гап ана шу шайтонда. Бир донодан сўраган эканлар, шайтон қаерда бўлади, деб. У киши шайтон тил учида-ю йўл бошида бўлади, деб жавоб берган экан. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, илоҳо, тўғри сўздан, тўғри йўлдан адаштирмасин, деб истиғфор айтарканлар.

Баъзан янги посёлкаларга бориб бир-биридан ҳашаматли биноларни кўриб кўзингиз яшнайди. Мустақиллик туфайли юртимиздаги барқарорлик, тинчлик ва ободончилик учун Оллоҳга шукроналар айтасиз. Кейин бир бошидан қизиқиб сўрай бошлайсиз: «Бу ўрта мактаб биносими?» — «Йўқ, прокурорнинг уйи» дейди оддий тракторчи. «Ёнидаги саройчи?» — «Коррупция бошлиғиники» дейди ўқитувчи истеҳзо билан. «Буям ҳовлими?» — «Ҳа, налогчи қуряпти» — дейди велосипед рулига сават қўйиб олган новвой бола атрофга аланглаб. Бу хил суҳбатлар аҳён-аҳёнда бўлиб туради. Назаримда бизда айрим ҳукумат идоралари курсиларида ўтирган айрим мансабдорлар билан «Тадбиркор», «Фирмачи» ниқоби остидаги корчалонларнинг ҳамкорлиги пайдо бўлди. Ана шу ҳамкорлик Президентимиз айтмоқчи, маънавий кемтикликларни келтириб чиқармоқда, улардан бири халқни алдаса, иккинчилари қонун билан уни қўрқитиб, ўз билганларидан қолмаяптилар.

«Амир Темур майдонини ободонлаштириш ишларидан фойдаланиб, уларнинг ҳисобидан вилоят раҳбарларига хусусий уйлар қуриб берилгани аниқланди».

Бу сўзларни эшитганда куни кеча шу муборак саминда бўлиб ўтган улуғ бобомиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тантаналарида учратганим бир деҳқон эсимга тушиб кетди. Жума намозидан чиқаришда у тирсагимдан тутиб, деди: Имом бобомизга ҳалол пулимдан атаганим бор эди. «Бу, қути қаерда, мулла ака?» деб сўради. Ҳайрон бўлиб «Қанақа қути?» дедим. Деҳқон жиддий туриб, деди: Имом бобомизга ҳалол пулимдан атаганим бор эди. «Хайрия қутиси» қўйилмаган, барча сарф-харажатлар давлат томонидан қилинаётган эди. Бу фактни деҳқонга аранг тушунтирдим.

4

Буни қарангки, Амир Темур майдони ва яна бошқа муқаддас жойларга жамоат ташкилотлари, давлат, ҳатто оддий фуқаролар хайрия бериб турган бир пайтда «Маънавият»и гуллаган айрим маҳаллий кимсаларнинг ундан юлқилаб, ўзларига кошона қурганликларини қандай тушунса бўлади. Шу фактнинг ўзи маънавий кемтиклик эмасми? Мозорнинг тупроғидан, мачитнинг ғиштидан уй қуриш қайси маънавият қолипига тўғри келади. Президентимизнинг куйиб-ёниб минг афсус билан: «Мустақилликка, Оллоҳ берган шундай неъматга эришган бир пайтда бу балолар бошимизга қаёқдан ёғилаяпти?» — дея чеккан фиғони ҳар қандай тили бурро нотиқни ҳам гунг ва кар қилади. Ҳайрият ҳамки, йўлбошчимизнинг кўнглини, ёруғ келажакка ишончини мустаҳкамлайдиган бир қудратли омил бор. Бу — шарқона одобга, замонавий билимга, Амир Темур, Жалолиддин Мангубердидек шижоатга эга бўлган баркамол **ёшлардир.**

Келинг, ҳурматли юртдошлар, Президентимизга қўшилиб, шу ёшларни дуо қилайлик...

Хатлар, хатлар, хатлар

Таълим мазмуни... биллур қандиллардами?

Термизда очилган озиқ-овқат саноати коллежи кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган ҳунар-техника билим юрти базасида ташкил этилган бўлса-да, таълим-тарбия мазмунини тубдан ўзгартириб, шу кун талабларига мослаштириш учун, айтишларича, унга маҳаллий бюджетдан жорий таъмирлаш учун 23 миллион сўм, жиҳозлаш учун 4 миллион сўм, республика бюджетидан 8 миллион сўм пул ажратилган.

Хўш, коллеж маъмуриятининг бу маблағга муносабати қандай?

...Директорнинг хонасига кириб ҳайратим ошди. Юмшоқ, гулдор гиламларга тўлдирилган хона ишхонадан кўра кўпроқ меҳмонхонага ўхшар эди.

Коллеж директори Хўжамурод Чориев билан «саёҳат»ни давом эттирдик.

Катта мажлисхона ўриндиқларига кийигизлган бахмал ғилофлар, йўлакка ўрнатилган ҳар бири камида ўн минг сўм турадиган ўнлаб биллур қандиллар...

Аммо афсуски, синфхоналар бунинг акси эди. Инглиз тили машғулоти ўтилаётган хонага кирдик. Муаллима Дилбар Исмоиловнинг болаларга инглиз тили сабоқларини ўргатиш учун доска-ю бўрдан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди, на лингафон, на бир кўргазмали қурол. Йигирма йил аввал ўртамиёна қишлоқ мактабларида аҳвол қандай бўлса, шундай ўқитилаяпти...

Бирданига ёнма-ён жойлашган икки синфхонада иккита синфга машғулот ўтаётган ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Ойхон Улуғова кўрсатган журналнинг қайси синфга тегишли эканлигини аниқлаш кўп қийин бўлди. Сабаби, журнал ҳали тўлдирилмаган эди.

— Ўқишни бошлаганимизга икки кун бўлди, — ниҳоят тан олди директорнинг ўзи, — шу пайтгача таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари билан шуғулландик...

Таажжубланасан киши! Ҳукумат таълим мазмунини тубдан ўзгартириш учун миллион-миллион сўм маблағ сарфласа-ю, мутасаддилар 9 ойлик ўқув йилида болалар онгига одатдаги ўқув даргоҳларига нисбатан бир неча баробар кўпроқ билим сингдириш ўрнига, ишхоналарни қалин гилам, шифтларни қимматбаҳо биллурлар билан безаб, ўқув йилини қарийб бир ой кейин бошлашса... Бу аҳволда таълим мазмуни ўзгарармикан?

Жамила ЭРГАШЕВА,
журналист

Партия фаоллари ҳақида ҳикоялар

Обрў

Ёшлик орзусини амалга ошириш истаги ўрта мактабни муваффақиятли битирган Мирмуҳсин Мирҳамзаевни Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтига етаклади. Ўқиш ва ўрганиш, изланиш ва интилишни доимий дастурига айлантирган кечаги талаба бугун «Ўзбекистон Темир йўллари» давлат-акционерлик компаниясининг Фарғона темир йўл бўлимида раҳбарлик қилаётир. Уни республикада тадбиркор раҳбар ва иқтидорли мутахассис сифатида ҳурмат қилишади.

Мирмуҳсин Мирфайзиевичнинг иш қўлами кенг бўлганлиги учун уни ҳамма вақт ҳам Қўқондан топиб бўлмайди. Бунга таажжубланишнинг ҳожати бўлмаса керак? Чунки, у ана шундай тинибтинчимас ижодкор ва ғайратли раҳбардир.

— Беором, масъулиятли касбингиздан мамнунмисиз? — деб сўрайман М. Мирҳамзаевдан. — Ахир тиним билмайсиз?

— Албатта, мамнунман, — дейди у қониқиш билан, — Киши ўз қизиқиши ва интилиши бўйича касб танлаши муҳим аҳамиятга эгадир. Буни ҳаётимда кўриб турибман.

Меҳнат фаолиятини оддий парк назоратчиси лавозимидан бошлаган М.Мирҳамзаев темир йўл транспорти тармоғининг деярли барча оғир ҳамда масъулиятли участкаларида ишлади. Ҳамиша ўзининг ишбилармонлиги ҳамда бой тажрибаси, билим ва маҳоратини намойиш этди. Шунинг учун ҳам 10 йилдан буён Фарғона темир йўл бўлимининг бошлиғидир. Қолаверса, эл эъзозлаган раҳбар Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати сифатида халқ манфаати ҳақида қайғуради. Ғамхўр ва талабчан раҳбар бўлим тармоқларида юксак интизомни таъминлаш, ишни янги технологик жараёнлар асосида ва юқори талаблар даражасида ташкил этиш учун ҳамон елиб-югурмоқда.

Раҳбарнинг ана шундай тадбиркорлиги туфайли Фарғона водийси темир йўлида катта ўзгаришлар сезилмоқда. Мирмуҳсиннинг охирги уч йилда ишлаб чиқаришга жорий этилган 10 дан ортиқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари 20 миллион сўм иқтисодий наф келтирганидан касбдошлари хабардор. Унинг бевосита раҳбарлиги остида кўплаб ижтимоий-маданий бинолар қад кўтарди, янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва юқори унумли техникалар ишга туширилди. Бугунги кунда Фарғона темир йўл бўлимида «Квант» автоматлашган телефон станцияси ва замонавий компьютерлар тизими темирйўлчиларнинг меҳнатларини енгиллаштираётир. Бу билан поездларнинг рақамларини аниқлаш ва уларни турли йўналишларга тақсимлаш ишлари янада жадаллаштирилди. Янгиликнинг шарофати туфайли Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг темир йўлларида туриб қолган юкли вагонларни қисқа вақт ичида аниқлаб бериш имкони яратилди. Бундай қулай иш тизимининг самараси бўлимга 6 миллион сўм иқтисодий наф келтирди.

Фарғона темир йўл бўлимида меҳнатни ташкил этиш тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли даромадлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларни тўғри тақсимлаш ва мақсадли ишларни амалга оширишга йўналтириш борасида ҳам Мирмуҳсин бош-қош бўляпти. Инсон манфаатлари йилининг ўзида темирйўлчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ишларига 98,5 миллион сўм сарфланганлиги раҳбарнинг жамоа манфаати ҳақида қайғураётганлиги нишонасидир.

Тиниб-тинчимас М. Мирҳамзаев «Республикада хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвонига сазовор бўлганлиги унинг темир йўл транспортидаги 30 йиллик самарали меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати, Халқ демократик партияси аъзоси Мирмуҳсин Мирҳамзаев ҳаммага бирдек муомала қилади. Доимо дилкаш суҳбатдош, одил насиҳатгўй ва талабчан ишбоши! Унинг бундай хислатлари мураббийлари билан елкама-елка туриб меҳнат қилаётган ўнлаб шогирдларида ҳам ўз аксини топган.

Зеро, унинг партиямиз обрўсини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг «Эҳтиром китоби»га номи ёзилгани ҳам бежиз эмас.

Қурбоной СУЛТОНОВА,
Қўқон шаҳри

Спорт

«Алпомиш ўйинлари» фестиваллари

Термизда икки кун мобайнида ўзига хос байрам кайфияти ҳукмронлик қилди. Бу ердаги марказий ўйингоҳда илк марта «Алпомиш ўйинлари» фестивали ўтказилди. «Алпомиш» достони яратилганлигининг юбилейи муносабати билан ўтказилган республика фестивалида мамлакатнинг турли бурчакларидан келган спортчилар ўзаро баҳслашдилар. Улар узоқ ўтмишда оммавий ҳисобланган халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Жумладан Бухоро ва Фарғонача кураш, камон отиш «Турон», «Бўрон», билак кучини синаш, тош кўтариш, тортишмачоқ, «Елка», «Минди» каби баҳсларда куч синашдилар. Хусусан, елкада куршаш бўйича мезбонлар зафар қучишган бўлса, тортишмачоқда Қорақалпоғистон йигитларига ҳеч ким бас кела олмади. «Минди» бўйича Сурхондарё ва Жиззах спортчилари муваффақият қозонишди. Камон отишда тошкентликлар ғалаба қилдилар. Регбини эслатувчи «Бўрон» ўйинида жиззахликлар маҳорат кўрсатишди. Фестивалнинг ёпилиши ҳам байрамона бўлиб кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Яна бир синов

Эрта баҳордан кеч кузгача давом этган футбол мавсуми якунланди. Кўзда тутилган футбол учрашувлари ниҳоясига етди. Кечиктирилган: «Насаф» — «Пахтакор» (2:1), «Металлург» — «Навбаҳор» (2:0), «Нефтчи» — «Пахтакор» (1:1) учрашувларидан кейин барча жамоаларнинг тутган мавқелари равшанлашди. Бу йилги мавсумда пахтакорчиларнинг муддатдан аввал чемпион бўлишгани ҳаммага аён. «Нефтчи» билан «Навбаҳор» футболчиларига бу сафар кумуш ва бронза медаллари насиб этди. Миржалол Қосимов билан Игорь Шквирин дарвозаларга йўллаган тўпларни 22 тадан қилиб, мавсумнинг тўпурарлари бўлиб туришибди. Маълумки мамлакат терма жамоаси асосан «Пахтакор» ва « Нефтчи» футболчилари асосида таркиб топади. Бош жамоа олдида эса муҳим синов турибди. У ҳам бўлса Осиё ўйинларида муваффақиятли тўп суриш. Шунинг учун терма жамоа Таиландга йўл олиш олдидан Ҳиндистонда иккита ўртоқлик учрашув ўтказишни мўлжалламоқда.

Бири «панд», бошқаси ён беради

Сирасини айтганда, ўтган йили мамлакат чемпиони номини олган МҲСК футболчиларини бу йилги мавсумда деярли тўп сурмай мухлисларни ранжитадилар ва олий лига билан хайрлашадилар деб ҳеч ким кутмаганди. Армиячилар каби «Косонсой» жамоаси ҳам ўз мухлисларига «панд» бериб, олий лига билан хайрлашди. Уларнинг ўрнини эса «Самарқанд» , «Янгиер» футболчилари эгаллашди. Айни пайтда «Чилонзор», «Атласчи», «Урганч», «Гулистон» жамоаларини ҳам омадлари юришмай, биринчи лига билан хайрлашдилар. Биринчи лигага кўтарилиш орзусида юрган Тошкентнинг «Шайхонтоҳур» ва «Сирғали», Оҳангароннинг «Семурғ» ва қоровулбозорнинг «Нефтчи» футболчилари биринчи лигага бериладиган икки йўлланма учун ўтиш турнирида иштирок этдилар.

Бир боғчада 61 ХДП аъзоси

Марғилон шаҳридаги «Наргиз» болалар боғчаси нафақат шаҳар, балки бутун вилоятдаги энг намунали тарбия муассасаларидан ҳисобланади. Тажрибали педагог Д. Аҳмедова мудиралик қилаётган бу масканда 300 нафарга яқин жажжи ўғил-қиз тарбияланади. Боғча биноси кўркам, барча қулайликларга эга, у замонавий ўқув-тарбия қуроллари билан тўлиқ таъминланган, махсус компьютер хонаси мавжуд. Бу ерда болаларни садоқат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш, дастлабки таълимни бериш бўйича ибратли ишлар амалга оширилянти.

— Боғча жамоаси Халқ демократик партияси билан мустаҳкам алоқа боғлаган, — дейди Д. Аҳмедова. — Мен боғча мудираси бўлиш билан бирга шу боғчада ташкил этилган ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котибасиман. Ҳозир рўйхатда 61 киши бор.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



82 ёшли Муйдинхон ота Абдуллаев ҳосил чўғидан мамнун

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Жиноят ва жазо

Қотил ота

Инсон борки, умр бўйи ер юзини обод қилиш, ўзидан кейинги авлодларга энг яхши фазилатларини қолдириш учун ҳаракат қилади. Шу боис, жамият тараққиёти башариятнинг энг яхши анъаналарига суянган ҳолда юқори поғоналарга кўтарилади.

Адолатли жамиятда энг аввало инсоннинг яшаш ҳуқуқи, унинг дахлсизлиги дастлабки ўринларда туриши бежиз эмас.

Бизнинг мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг 24-моддасида аниқ қилиб шундай ёзиб қўйилган: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Шахсни ҳимоя қилиш, шунингдек, унинг ҳаётини ижтимоий хавфли тажовузлардан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бизнинг давлатимиз инсон ҳаётининг дахлсизлиги учун реал кафолатлар яратмоқда».

Бу — қонун.

Бироқ, қонундан ташқари, халқимизнинг ўзига хос руҳий, ахлоқий, анъанавий қадриятлари ҳам мавжудки, уларда наинки инсонга, оддий жониворга ҳам зарар етказиш қораланади. Шу боис, Конституциямизнинг юқоридаги бандида халқимизнинг минг йиллик қадриятлари мужассамлашган бўлиб, одамларга кўзгу мисолдир.

Инсон ҳаёти, унинг дахлсизлиги, оила давлатимизнинг ҳимоясида эканлигини ҳар бир фуқаро ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур.

Ҳаёт — инсонга берилган улуғ неъматдир. Кимки инсонни ушбу саодатдан маҳрум этишга уринса, биринчи навбатда ўз бахтига, ўз умрига зомин бўлади.

Ўз жигарбандларига, яқинларига қўл кўтарганлар эса бу жазодан ташқари абадул-абад тавқи лаънатга дучор бўладилар. Элу юрт, жамият олдида бош кўтариб юролмайдилар. «Жаҳл келганда ақл кетади» дейдилар. Бироқ ана шу лаҳзалик кайфият қули бўлиш ҳам нодонликдир.

Инсон қиёфасидаги Абдусаттор Булоқбоев 1983 йилда Мақсуда Пирназаровага уйланди. Икки фарзанд кўрдилар. Биринчи фарзандларининг исмини — Умид, қизларини эса Дилфуза деб атаб, севиб катта қила бошладилар.

Минг надоматлар бўлсинки, Мақсуданинг орзулари топталди. Севиб турмуш қурган эри Абдусаттор анамана дегунча уч марта Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексида кўрсатилган бир қанча жиноятларни содир қилиб, қамоқ жойларида жазони ўтаб чиқди. Абдусаттор сўнгги бор 1993 йилда қамоқхонадан озодликка чиқди. Ўзича у энди озодликни қадрига етадиган киши бўлганлигини, оиласини, фарзандларини қийнамайдиган, инсофга кирган диёнатли шахс бўлган қилиб кўрсатиб, яна Мақсуданинг кўнглини олди, у билан «янгича» яшай бошлади. Мақсуда турмуш ўртоғининг қамоқдан қайтиб келиб, «олтин тоғ» олиб бераман, «уйингни олтин қасрга» айлантираман деган ваъдаларга ишониб, ҳаётдан мамнун яшай бошлади. Ҳаркалай ота-онаси, қавми-қариндошлари орасида юзи ёруғ бўлди.

Энди-энди ҳаётини тиклаб, яшашнинг ва ҳаётнинг мазмуни, кўркини кўра бошлаганида, орзу-умидлари топталди, кўз ёшлари селдек қуйилди.

Мақсуда қизи Дилфуза билан онасининг уйига бориб, йўл-йўлакай ҳол-аҳвол сўради-да, онасининг «Қизим бироз ўтир, дамингни ол» деганига ҳам қарамай, куёвингиз кутиб қолади, деганича жўнади. Эртароқ бориб овқат тайёрлайлик, деб шошилиб йўлга чиқди.

Уйларига яқин келганларида Дилфуза қаршиларида турган отаси Абдусатторни кўриб, олам-олам қувончга тўлиб, ўзини отаси бағрига отди.

— Отажон, — деганича отасининг бўйнига осилмоқчи бўлди.

Дилфузанинг қайноқ меҳридан ҳам эримаган «ота» хўмрайганча:

— Қаердан келяпсизлар? — деб дўқ урди.

Дилфуза ҳайрон қолди.

У, отасининг ҳолатини тушунмади.

Кейин жавоб қайтармоқчи бўлиб, оғиз жуфлаганди ҳамки, Мақсуда келиб қолди.

Мақсуда:

— Уйдагилар салом айтиб юборишди — дея гапини ҳам тугатмай юзига тушган шапалоқдан чинқириб юборди. Мақсуда ўксиб-ўксиб йиғлаганича, азоблларга чидай олмаслигини айтиб, онасининг уйига қайтмоқчи бўлди. Ҳовлига чиқиб, аламини сигаретадан олиб, уйга қайтиб кирган Абдусаттор хонада турган болғани олиб қизи Дилфузанинг кўз олдида хотинининг боғига аёвсиз ура кетди. Бу зарбалар шиддатидан минг азоб билан Мақсуданинг омонат жони ўз вужудини тарк этди. Қотиллик рўй берди.

Онасининг жон азобда ҳаёт билан курашиб талпинаётганини ва унинг бошига отаси тинимсиз болға билан ураётганлигини кўрган мурғак гўдак Дилфуза отасига ташланиб, сочларидан тортди. Онасини отасининг қўлидан ажратиб олмоқчи бўлди. Минг афсуски, Дилфуза отасидан узоқроқ қочмасдан хато қилган эди. Кўзи қонга тўлган Абдусаттор содир қилган ўта оғир жиноятини кўрган ягона гувоҳ қизи Дилфузани ҳам йўқотиш пайига тушиб, уни ҳам бошига уч марта қўлидаги болға билан урди. Дилфузанинг қалбида онасининг ҳаёти, жони эмас, «отасини» сочлари бармоқлари орасида юлиниб қолди.

Абдусаттор — «қотил» уйдан чиқди. Разолат илҳомчиси бўлган арақдан қониб-қониб ичди. Жиноят изларини ёшириш мақсадида Мақсуда ва Дилфузаларнинг жасадини хона ичкарисига судраб кирди. Бу ҳам етмагандек уйига ўт қўйиб ёқиб юборди.

Бу пайтда момосининг уйидан қайтган Умид онаси ва синглиси хона ичкарисида ўлиб ётганлигини, атрофида олов ёнаётганлигини кўриб дод солди. Қўни-қўшнилар, қавми-қариндошлар келишди. Кеч бўлган эди. Мазкур жиноий ишни Тошкент вилоят суди кўриб, Абдусаттор Булоқбоев илгари ҳам судланиб чиқиб, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаганлигини, ўта оғир жиноят содир этиб, икки кишининг умрига зомин бўлганлигини инобатга олиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм ижро этилди.

Абдусатторнинг қилмиши икки бегуноҳнинг жонига зомин бўлди. Бу ҳодиса теварак-атрофдагиларда оғир таассурот қолдирди. Абдусатторнинг номи эса абадул-абад тавқи лаънатга дучор бўлди.

Фарҳод АСЛАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Сенаторнинг таклифи

Республикачи сенатор Арлен Спектер америкалик қонуншуносларга Президент Билл Клинтонга нисбатан импичмент жараёнини бошлашга ҳаракат қилмасликни таклиф қилди. Унинг фикрича, ҳозирги вазиятда Оқ уй раҳбарининг айбдор деб топилиши ҳақиқатдан узоқроқдир. Президентлик ваколатининг муддати тугашини кутиб, сўнгра унга қарши суд орқали даъво қўзғаган маъқул, деди у.

Маълумки, Б. Клинтон Оқ уйнинг собиқ ходимаси М. Левински билан ишқий алоқада бўлгани тўғрисида ёлғон гувоҳлик берганликда айбланмоқда.

Асирликдан озод этилди

Россия Президентининг Чеченистондаги вакили Валентин Власов асирликдан озод этилди. У олти ой бурун номаълум қуролли шахслар томонидан ўғрилаб кетилган эди.

В. Власов Ингушетия ички ишлар вазирлигининг махсус бўлинмаси ҳамда Россия ИИВнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Шимолий Кавказ минтақавий бошқармаси вакиллари томонидан ўтказилган операция натижасида ҳеч қандай тўловларсиз қутқариб олинди.

Даъво рад этилди

Лондондаги расмий доиралар Аргентинанинг Буюк Британияга қарашли Фолкленд оролларига даъвосини яна бир бор рад этди. Бу оролларнинг мавқеини ўзгартириш ҳақида Аргентина билан ҳеч қандай музокаралар ўтказилмаяпти ва бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас, дейилади Буюк Британиянинг Буэнос-Айресдаги элчихонаси тарқатган коммюникеда.

Бундай кескин муносабат сабаби яқинда Аргентина Президентининг Фолкленд ороллари аҳолисига қилган мурожаатидир. Унда Карлом Менеми фолклендликларни «эски хаёллар»ни унутишга, барча учун мақбул бўлган порлоқ келажак ҳақида ўйлашга даъват қилган эди.

Фойда кўпаймоқда

Вьетнамда жорий йилда ўтган йилга нисбатан какао ва кофени экспорт қилиш ҳажми 12,9 фоизга, ундан келадиган фойда эса 43,5 фоизга ошган.

Маълумотларга қараганда, бу мамлакатда 1997-98 йилларда кофе етиштириш бўйича рекорд натижа қайд этилган. Яъни, мамлакатда 400 минг тоннага яқин маҳсулот йиғиштириб олинган. Унинг экспортидан келадиган фойда эса 500 миллион АҚШ долларига етган.

Косоволиклар билан учрашув

Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер косоволик албан вакиллари раҳбарлари билан учрашди. Унда Косоводаги бугунги вазият, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясининг бажарилиши, гуруҳлар ўртасидаги ўзаро можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш, ўқ отишни тўхтатиш ҳамда қочоқларни ўз уйларига қайтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Й. Фишер Германия Косоводаги можароларни тинч йўл билан бартараф қилиш борасида БМТ, ЕХҲТ, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни давом эттиражагини таъкидлади.

Экспорт камайди

Ҳиндистонда жорий йилнинг олти ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми бир неча фоизга қисқарган. Четдан маҳсулот олиб келиш эса кўпайган.

Ҳисоб-китобларга қараганда, биринчи олти ойликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3,6 фоизни ташкил қилган. Бу ўтган йилнинг шу вақтидаги кўрсаткичга қараганда 2,4 фоиз камдир. Экспорт қилиш эса 3,28 фоизга пасайган. Четдан маҳсулот олиб келиш ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 10 фоиз ошган.

Мамлакат савдо вазирлиги вакилининг айтишича, бу воқеалар айнан хорижий мамлакатларнинг Ҳиндистонга нисбатан эълон қилган иқтисодий жазо чоралари ва жаҳон мамлакатларида юз бераётган молиявий инқироз билан боғлиқдир.

Тендер эълон қилинди

Исроил ҳукумати Қуддуснинг араблар истиқомат қиладиган қисмида уй-жойлар қуриш учун тендер эълон қилди. Биринчи босқичда бу ерда 1025 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли уйлар қуриш кўзда тутилган. Ҳаммаси бўлиб яҳудийлар учун 6,5 минг хонадон жойлашадиган уй-жой қурилади.

Исроил Бош вазири Бинямин Нетаняхунинг айтишича, қурилиш ишлари 2000 йилга қадар бошланади.

АҚШ расмий доиралари вакилларининг таъкидлашича, яқинда Уай-Плантейшнда бўлиб ўтган музокаралар чоғида Б.Нетаняху бу қадам Яқин Шарқдаги тинчлик ўрнатиш жараёнига салбий таъсир қилиши тўғрисида огоҳлантирилган.

Сиёсий иқлим

Хитойнинг Хэйлунцзян вилояти маркази бўлмиш Харбин суди мамлакатнинг кўҳна ва энг катта «Эчэн» шакар заводининг банкротга учраганини маълум қилди. 1905 йилда ташкил этилган Харбин шакар заводида 4,5 минг киши меҳнат қилган. Бу ерда бир кеча-кундузда 3 минг тонна қанд лавлаги қайта ишланар эди.

Маълумотда айтилишича, корхонанинг молиявий муаммолари 1993 йилдан бошланган. Бугунга келиб эса завод бир неча банкдан ҳаммаси бўлиб 700 миллион юан (тахминан 80 миллион АҚШ долларига тенг) қарз бўлиб қолган.

* * *

ГФРнинг собиқ ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел БМТ Бош котиби Кофи Аннанни Ироқ раҳбарлари билан музокара ўтказиш учун Бағдодга боришга даъват этди. Собиқ вазирнинг мамлакатда нашр этиладиган «Берлинер Цайтунг» газетасига берган интервьюсида шу ҳақда гап боради.

Унинг айтишича, К. Аннаннинг музокараларда шахсан қатнашуви олдинги учрашувдаги каби Бағдод ва халқаро жамоатчилик ўртасида келишувга ҳамда Саддам Ҳусайннинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ комиссияси билан ҳамкорликни тўхтатиш ҳақидаги қарорини қайта кўриб чиқишга олиб келиши мумкин.

* * *

Камбоджанинг мухолифатдаги Фунсинпек партияси етакчиси Нородом Ранарит мамлакатда тузилажак ҳукмрон коалицияга киришга тайёрлиги ҳақида баёнот берди. Мамлакатда июль ойидан буён чўзилиб келаётган сиёсий инқирознинг ечимини топишда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлган мазкур баёнот иккинчи Бош вазир Хун Сен ва Нородом Ранарит музокараларининг биринчи раундидан сўнг маълум қилинди.

Маълумки, Хун Сен етакчилигидаги Камбоджа халқ партияси июль ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида ғолиб чиққандан сўнг ҳам ҳукуматни мустақил равишда тузиш ҳуқуқини қўлга кирита олмаган эди. Чунки Фунсинпек ва мухолифатдаги яна бир «Кхмер миллати» партияси овоз бериш якунларини ҳамда ғолиб партиянинг ҳукмрон блок тузиш ҳақидаги таклифини рад қилган эди.

Уруш бошланишига бир баҳя қолганди

Форс кўрфазида уруш бошланишига бир соат қолганда тўхтатилди. «Б — 52» самолётлари ўз бортларидаги қанотли ракеталар билан Ироққа қарши зарба беришга шай эдилар. Шунда ҳарбий ҳаракатлар бирдан тўхтатилди. Си-Эн-Эн телекомпаниясининг маълумотларига кўра Форс кўрфазида жойлашган АҚШ қуролли кучлари бир кун аввал Вашингтондан уруш ҳаракатларини бошлаш ҳақида буйруқ олишганди. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Лондон вақти билан соат 10.00да «Торнадо» типидаги штурмчи эскадриляга Ироқни бомбардимон қилиш ҳақида буйруқ берганди. АҚШ эса Ироққа қарши ракета зарбалари беришга жуда яқин эди.

Ҳарбий ҳаракатлар Ироқ томони БМТ Бош котиби Кофи Аннан номига йўллаган мактубдан сўнг тўхатилди. Ушбу мактубда Ироқ раҳбарияти БМТ ва МАГАТЭ махсус комиссияси билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтганди. Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ва бош вазир Евгений Примаков, шунингдек Хитой, Франция, Бразилия ва бошқа давлатларнинг тутган йўлига қараб ушбу қарор қабул қилинди. Бағдод БМТ билан ҳеч қандай шартларни олдига қўймай ҳамкорлик қилишга рози бўлди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон халқаро текширувчиларнинг Ироққа қайтиши энг яхши натижа бўлди, деб айтди. Оқ уй раҳбари Ироқдаги барча объектларга комиссия аъзолари бемалол кириб бориши зарурлигини таъкидлади. АҚШ ҳозирча ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб туради. Ироқ чекинган бўлсада, бу ҳали етарли эмас. У халқаро жамоатчилик талабларини тўла бажариши зарур, деди Клинтон. Ироқ теварагидаги вазият туфайли Билл Клинтон ўзининг Малайзияга қилиши мумкин бўлган ташрифини қолдирди ва ўзининг ўрнига вице президент Альберт Горни юборди. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ҳам Клинтоннинг фикрини тасдиқлади.

— Ироқ теварагидаги можаро ҳали якунлангани йўқ, — деди Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр. — Саддам Ҳусайн ўзи БМТ Бош котиби Кофи Аннан номига шанба куни ёзган мактубига тўла риоя қилиб ҳаракат қилиш керак.

Ироқни қуролсизлантириш бўйича БМТ махсус комиссияси текширувчилари бугун эрталаб Ироқдаги ўз ишларини давом эттиришлари зарур. Бу ҳақда комиссия раиси Ричард Батлер айтди.

Мутахассислар маъруза тайёрлади

БМТнинг иқтисод билан шуғулланадиган мутахассислари "Африканинг 1998 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий аҳволи" ҳақида маъруза тайёрлади. Унда кўрсатилишича, мазкур қитъанинг иқтисодий ўсиш даражаси жорий йилда 3 фоизга кўтарилган. Бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 1,7 фоиздан 4,3 фоизга ошган.

Мутахассислар дунёнинг айрим минтақаларида молиявий бўҳрон юз бераётган ҳамда об-ҳаво ноқулай келган бир шароитда бундай натижага эришиш Африка мамлакатлари учун ижобийдир, деб таъкидлашаётир.

Аёллардан ҳамиша «сюрприз» кутаверинг

Аёлларнинг кутилмаган муваффақиятларга эришишлари ҳақида матбуот саҳифаларида кўп ёзишган. Француз спортчиси Мари Пьерс кутилмаганда ғалаба қозонди. У жаҳон хотинқиз теннисчилар ўртасида 11-ўринда эди. Аммо, 6-ўриндаги Моники Селеш (АҚШ)ни доғда қолдирди. Уларнинг иккиси ҳам ҳақиқий «эркакча» теннисни намойиш этишди: очиғи, эркак теннисчилар ҳам уларга қойил қолди.

Ҳақиқий маҳорат тантана қилганда ҳамманинг мусобақадошларга ҳаваси келади. Бироқ Мари Пьерсга французлар бу жиҳатдангина эмас, балки «ишқ-муҳаббат» мусобақасида ҳам тан берворишди. Ёки 17 ёшли Анна Курниковнинг ўйинидан ҳам кўра унинг майдондаги «кўриниши» ишқибозларнинг кўпроқ эътиборини тортди. Бу қиз табиий жозибаси билан ҳамманинг оғзини очди: хушбичим, гўзал, бунинг устига чиройли кийинган...

Афсуски, модалар танловида бундай гўзаллар биринчи ўринни олиши мумкин эди. Аммо, профессионал теннис қонунлари анча қаттиқ бўлиб чиқди. Кучли саккизликдан биронта ҳам бундай жонон ўрин ололмади...

Инсон ҳуқуқлари қаерда бузилмоқда?

АҚШ Давлат департаменти дунёда инсон ҳуқуқлари қаерда кўпроқ бузилаётганлигини аниқлади. Маълумотларга кўра, Афғонистон бу борада биринчи ўринда турар экан. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили ўринбосари Питер Бурлейнинг айтишига кўра, мамлакатнинг каттагина қисмини эгаллаб турган толибонлар инсон ҳуқуқларини поймол этишда ғолиблик қилишмоқда. Бирма, КХДР, Куба, Судан ва Ироқ ҳам бу борада орқада қолишмаяпти. Кам сонли миллатларни камситиш, уларни қамоққа олиш, ўлим жазоси АҚШни ташвишга солмоқда. Айниқса, аёллар ва қизларни қийноққа солиш инсон ҳуқуқлари бузилишининг бош кўринишидир.

Каспий нефти шимолга сотилмоқда

Озарбойжон икки миллион тонна Каспий нефтини шимолга сотди. Бу иш Боку — Новороссийск трубопроводи орқали амалга оширилди. «Амок» халқаро нефть компанияси 1,8 миллион тонна «қора олтин»ни шимолга сотиб юборди.

Тошқин оқибатлари

Украинанинг Карпаторти туманларида юз берган тошқинлар натижасида камида 10 киши ҳалок бўлди. Юзлаб шаҳар ва қишлоқларнинг 20 минг аҳолиси бошқа жойларга кўчирилди. Бир ҳафтадан зиёд давом этган жала натижасида юзлаб бинолар, йўллар ва темирйўллар барбод бўлди. Украина ҳукмрон доиралари халқаро ташкилотларга мурожаат қилиб, табиий офат оқибатларини тугатишда ёрдам беришни сўрашди. Венгрия эса серҳосил водийдан ўтадиган Бодрог дарёсининг тошиб кетиши мумкинлигидан хавфсирамоқда. Будапештда эса Дунай дарёсининг қирғоқлари мустаҳкамланмоқда.

Пномпень марказидаги улкан бозор

Ўлим жазосига ҳукм қилинди

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳар суди жиноятчилар гуруҳининг раҳбари Ченг Дзэкенгни ўлим жазосига ҳукм қилди. Бу жиноятчи бир неча йилдан буён полиция томонидан қидирилаётган эди. У фуқароларни ўғрилаб кетиш ва унинг эвазига мўмайгина пул талаб қилиш ҳамда қурол-аслаҳа сотиш билан мунтазам шуғулланиб келган. Мазкур жиноятчилар гуруҳининг яна олти аъзоси ҳам шундай жазога лойиқ топилди. Қолган 28 жиноятчи эса умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Полиция маҳкамаси вакилининг айтишича, Ч.Дзэкенг Гонконгда ҳам бир неча заргарлик магазинларига ўғриликка тушган. Шунингдек, у икки нафар пулдорни ўғрилаб кетиб, уларнинг қариндошларидан 200 миллион АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилган.

Бож олинмайдиган дўконлар

Келаси йилдан бошлаб Хитойнинг Пекин, Шанхай, Гуанчжоу ва бошқа бир неча йирик шаҳарларида бож олинмайдиган маҳсулотлар сотиладиган дўконлар очилади.

Маълумотларга қараганда, Шанхайда халқаро сайёҳлик соҳаси йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўтган йили бу ерга 1,65 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюрган. Жорий йилда улар сонининг яна ҳам ортиши кузатилмоқда. Айни пайтда Шанхайда тўртта бож олинмайдиган маҳсулотлар савдоси билан шуғулланадиган магазин ишлаяпти. Лекин улар хорижлик сайёҳлар эҳтиёжини қондиролмаётир.

Тинчлик шартномаси тасдиқланди

Исроил ҳукумати фаластинликлар билан тузилган тинчлик шартномасини тасдиқлади. Ушбу қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 17 аъзосидан 8 таси бу қарорни ёқлаб овоз берди. 4 киши қарши чиқди.

Саломатлик сирлари

Рак қўрқувдан кучаяди

Одатда, рак билан оғриганлар шифохоналарга мурожаат этишмайди-да, ҳар хил экстрасенс ва бошқа «табиблар»га бориб юришади. Обдон мазаси қочгандан кейин шифокорларга «чопишади». Энди эса уларни даволаш учун вақт кеч бўлади...

Тиббиёт ходимлари шуни яхши билишадики, агар рак билан эндигина оғрий бошлаган бемор дарҳол шифохоналарга келишса, уларнинг кўпчилигини даволаш мумкин. Масалан, 17 ёшли бир йигит рак билан оғрий бошлаган. У турли «табиблар»га учрашиб, вақтни бой берган. «Агар у 3 ой олдин шифохонага мурожаат қилганида 100 фоиз ҳаётини асраб қолиш мумкин эди. Энди эса фойдаси йўқ», дейишди.

Ҳақиқатан бу биргина ҳодиса эмас. Ҳар хил чаласавод одамларга мурожаат этиб ўз соғлиғига зиён етказган кишиларга ачинасан, албатта. Ҳар хил «керосин, илон билан даволадим, биоток билан дардига малҳам қўйдим» сингари гаплар онда-сонда бўлсада учраб туради. Шуниси ачинарлики, гоҳида ўзбилармон табиблар рак деб атаган нарса аслида бундай бўлиб чиқмаган. Беморларнинг қўрқиб ёки ҳайиқиб ўз касалликларини тобора авж олдиришлари тиббиёт ходимларини ўйлантирмоқда. Мана, Кашпировскийни олиб кўринг. Стадион тўла одам унинг «сеҳридан дарҳол тузалиб кетамиз», деб умид қилишган. Бироқ, унинг сеансларида қатнашган, рак билан оғриганларнинг қанчаданқанчаси шифокорларга кеч мурожаат қилганликлари учун ҳаётдан кўз юмган.

Одамлар ишонувчан бўлишади. Аммо шуниси ҳам борки, гоҳида шифокорларга мурожаат қилмай тузалиб кетаётганлар ҳам бор... Тиббиёт адабиётларида бунга юзлаб мисоллар ҳам келтирилган. Масалан, рак билан оғриган баъзи одамлар даволанишдан воз кечганда... соғайиб кетган! Ўз турар жойини ўзгартиргандан кейин касалидан ном-нишон қолмаган. Ёки ўзини ўраб турган муҳитни, иш жойини ўзгартириб тузалганлар ҳам йўқ эмас. Қандай сабабга кўра улар соғайиб кетишган? Ҳозирги замон тиббиёт фани ҳали бунга жавоб тополмаётир. Бироқ шуниси ҳам борки бундайларнинг 99 фоизи гўё ўзидаги рак касаллиги тузалди деб ўйлаганнинг сабаби аслида унда рак касаллиги бўлмаган ёки бошқа хил касаллик бўлган. Тўқималарни гистологик таҳлил этмасдан туриб «рак» деган ташхисни қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Аммо, «табиблар» эса бундай масъулиятни ҳис этишмайди. Оддий бир мисол, ўпкаси қорайганини кўрган заҳотиёқ рак деб ташхис қўйиш инсофданми? Ҳолбуки, бор-йўғи унинг ўпкаси шамоллаган, холос. Ахир, гастрит — бу ошқозон раки дегани эмас-ку?!. Хуллас, шунга ўхшаган мисоллар кўп.

«Даҳо» болалар бўладими?

Ҳамма даврларда «даҳо» болалар дунёга келган. Улар шу даражада истеъдодли бўлишганки, катталарнинг ҳам оғизлари ланг очилган. Бу нима? Ҳақиқатдан ҳам катталарнинг ақли етмаган нарсаларни болалигидаёқ илғаб олиш қобилиятими ёки табиат ато этган ноёб истеъдодми? Гоҳида, ҳар иккиси ҳам, дегинг келади. Кўпинча бундай ўта қобилиятли болалар синфдан-синфга кўчириладигина эмас, ҳали ўсмирлигидаёқ фан номзодлари ёки ундан-да зиёдроқ кишилар бажарадиган ишларга лаёқатли бўладилар. Аммо, Сергей Парамонов деган қўшиқчи истеъдодидан ҳамманинг оғзи очилган бўлса-да, у бундан бир йил муқаддам оламдан ўтган. Унинг шуҳрати ёйилгач, беҳад ҳаяжонланган ва кўп ичган. Бу биргина ҳодиса эмас. Кузатувчиларнинг аниқлашича, одатдан ташқари қобилият эгалари бўлган болаларнинг фақат бир фоизигина руҳан соғлом бўлиб чиқди. Афсуски, боланинг ноёб қобилияти кўпинча ўткинчи нарса бўлиб қолмоқда. Руҳшунос Тамара Селезнёванинг таъкидлашича, бундай қобилият эгаларига қаттиқ ишонч билдириб юбориш уни кўпинча «ишдан чиқаради». У ўз болалик дунёси билан алоқани узиб қўяди: ўртоқлари билан ўйнашни, улар билан учрашишни хоҳламайди, қолаверса, унинг дўстлари ҳам бўлмайди. Хуллас, болалик дунёсидан узилиб қолади. Хулоса шуки, ўта қобилиятли болалар ва ўсмирларни авайлаб-асраш, уларни одатдаги ҳаётга аралаштириш, ҳозирги шуҳратларидан боши айланиб қолмаслигига ёрдам бериш, қисқаси, шахсий ҳаётда ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам бўлиб туриши ҳақида унга оқилона тушунтириш унинг кейинги ҳаётини асраб қолишда муҳим омилдир.

Ватанни сеғинмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1999 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 17 noyabr, seshanba № 137 (24.374).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон янги тарихининг саҳифаларидан

Бухорога қизил армиянинг босқини ва унга қарши кураш

1920 йил 2 сентябрда қизил аскарлар томонидан Бухоро шаҳридаги амирлик ҳокимияти ағдариб ташланди. Аммо бу воқеадан кейин кўп ўтмай, мамлакатнинг ғарбий, марказий қисмларида қизил армиянинг босқинчилик сиёсати ва коммунистлар зулмига қарши мужоҳидлар ҳаракати бошланди. Бухоро республикасидаги бу ҳаракат ўзининг мураккаб ва зиддияти билан ўзига хос тарихга эга.

Мунтазам армиянинг мавжуд эмаслиги, қурол-яроғларнинг етишмаслиги,замонавий ҳарбий мутахассисларнинг деярли йўқлиги ва бошқа қатор қийинчиликларга қарамасдан қисқа муддат ичида Бухорода қизил аскарларга қарши тура оладиган катта миқдордаги ҳарбий кучлар тўпланди. Бу ҳарбий кучларни бошқаришда ҳаракат йўлбошчилари — қўрбошилар катта роль ўйнадилар.

Бухородаги қўрбошилар ўртасида сўзсиз Иброҳимбек Лақай (1889-1932) алоҳида ажралиб туради. Иброҳимбек қўрбоши Душанбе шаҳридан ўн чақирим жанубда жойлашган Кўктошнинг Уяли қишлоғида — Кофирниҳон дарёси соҳилида ўзбек лақайлари уруғининг Эсонҳўжа шаҳобчасига мансуб амир амалдори оиласида туғилди. Иброҳимбек ёшлигидан жасур йигит бўлиб вояга етди. У маҳаллий мадрасада сабоқ олган.

Иброҳимбек амирлик тузуми ағдариб ташлангач, Шарқий Бухородаги қўрбоши гуруҳларига умумий раҳбарлик қилиб, советлар ва коммунистик тузумга қарши мустақиллик байроғини кўтарди. Иброҳимбек қўрбошининг номи ҳам машҳурликда бошқа бир йўлбошчи Анвар пошоникидан сира қолишмас эди. Лекин уларнинг фикрлаш тарзида, жанг қилиш усуллари ва ҳаракатларида катта фарқ бор эди.

Иброҳимбек 31 ёшида кураш майдонига кирар экан, ўз олдига Бухоро тупроғини қизил аскарлардан тозалаш билан бирга ағдариб ташланган амирлик тузумини қайта тиклаш ва салтанатни собиқ амир Саид Олимхон қўлига олиб бе-

1

ришни асосий мақсад қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам у курашга кирган дастлабки кунларданоқ Бухоро амири томонидан моддий ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди.

Иброҳимбек 1921 йил сентябрда бўлган Бухоро қўрбошиларининг қурултойида «Ислом лашкарбошиси» деган мўътабар унвонга сазовор бўлди. У қисқа муддат ичида ўн минг нафардан ортиқ аскар тўплаб, амир ҳузури — Қобулга ўз вакилларини жўнатди. Сўнгра Қоратегин ва Дарвоз вилоятларини ҳам қизил аскарлар қўлидан озод қилди.

Амир Саид Олимхон Иброҳимбекка ёзган мактубларидан бирида уни «садоқатли ва жасур доҳий, мулла, бек, бий, девонбеги, лашкарбоши, тўпчибоши, ғозий», — деб улуғлайди. Амирнинг ёзишича, у Иброҳимбекка қўшимча кучлар юбориш учун Афғонистон ҳукумати билан музокаралар ўтказган. Аммо, афғон ҳукумати Бухоро амири ихтиёрига ҳеч қандай ҳарбий бўлинмалар ажратмайди.

Иброҳимбек қўрбоши ўз қўшини сафида қаттиқ тартиб-интизом ўрната олди. Тинч аҳолини талашда қатнашган ёки бегуноҳ мусулмонларни ўлдирган аскарлар айби маълум бўлгандан сўнг уларни шафқатсиз жазолади. Иброҳимбек томонидан қўл остидаги қўрбошилар Абдулазиз ва Абдураҳмонбойга ёзилган мактублар кўп жиҳатдан аҳамиятлидир. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Иброҳимбек Абдураҳмонбойга қуйидаги сўзларни ёзган эди: «...Сиз аскарларни қишлоқларга махсус рухсатномасиз милтиқлари билан жўнатяпсиз — бу жуда ёмон». Демак, қўрбошилар ўз йигитларини қишлоқларга милтиқлари билан юборишса уларга махсус рухсатнома беришган. Бу ҳолдан эрк ва истиқлол курашчиларининг кимлиги яққол намоён бўлади.

Иброҳимбек қўл остидаги Шарқий ҳудудда ўз бошқарув усулини амалга оширади. Жойлардаги совет ҳокимияти бутунлай тугатилди, унинг шариатга асосланган ва амирлик давридаги бошқарув усули жорий қилинди. Иброҳимбекни бу ердаги маҳаллий аҳоли, хусусан, лақайлар қизғин қўллаб-қувватлашди. Бу ҳолдан Туркистондаги совет ҳокимияти вакиллари қаттиқ ташвишга тушдилар. Шунинг учун ҳам Туркистон фронти сиёсий бошқармаси томонидан тузилган жосуслик ахборотларидан бирида Иброҳимбек фаолияти ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади, аҳоли ўртасида унинг нуфузи ошиб бораётганлигидан чўчиш ҳолати кўзга ташланади ва Иброҳимбек билан бошқа қўрбоши гуруҳлари ўртасида низо чиқариш учун тавсиялар берилади.

Шарқий Бухорода 11 йил давомида совет ҳокимияти ва коммунистик тузумга қарши аёвсиз курашган мужоҳидларнинг бош етакчиси Иброҳимбек 1931 йил 23 июнда совет чекистлари томонидан қўлга олинди ва орадан бир йил ўтгач у қатл қилинди.

Анвар Пошо (1881-1922.) фақат Туркия ёхуд Туркистонда эмас, балки бутун мусулмонлар оламида кўзга кўринган инсонлардан бири эди. Анвар Пошо Туркия, Македония, Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда қатнашди.

Анвар Пошонинг совет Россияси билан ҳамкорлик қилган даври (1920 йил ёзи — 1921 йил сентябрь) унинг таржимаи ҳолидаги энг қоронғу ва чалкаш саҳифаларни ташкил қилади. Адолат юзасидан айтганда, Анвар Пошо ҳақида хориж ва ўзимизда ёзилган китобларда бир-бирига зид фикрлар, қарама-қарши баҳо ва талқинлар мавжуд. Бу асарларда ҳақиқат билан уйдирма шунчалик қоришиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиш тарихчидан мушкул вазифа ва машаққатли меҳнатни талаб қилади.

«Анвар Москвада хотиржам яшар ва ҳурмат- эътиборга сазовор эди», — деб таъкидланади ўша давр архив ҳужжатларининг бирида. Советлар билан ҳамкор-

2

ликнинг дастлабки даврида Анвар Пошо большевиклар йўлбошчиси Лениннинг фикрларини тўғри деб ўйлади. У, ҳатто Шарқ халқларини коммунизм байроғи остида Англия империализмига қарши курашга чақирди. Албатта, бу курашга даъват Ленин ва унинг сафдошлари томонидан Анварнинг онгига сингдирилган эди. Бироқ, жангу жадаллар ва турли саргузаштларга ўч, маълум даражада таваккалчи бўлган Анвар Пошо «...Москвада хотиржам яшашни истамади...». У 1921 йил июлида «... Москвадан Ботумига келди. Шу кунларда Мустафо Камол инглизлар билан ҳаёт-мамот жангига киришган эди...». Бу пайтга келиб, Россия —Туркия ўртасида ўзаро дўстлик ҳақида шартнома тузилди, натижада, «РСФСР ҳукумати Ангорада турган миллий турк ҳарбий кучларига қарши ҳеч қандай ҳаракат қилмасликни Анвар Пошога айтди ва унга Анатолия Ботумиси ерларидан зудлик билан чиқиб кетишни буюрди. Анвар ушбу буйруқни олгач, Туркистонга жўнади ва Бухорога етиб келди...» «Улар Анварни ўртадан четлаштириш учун Ўрта Осиёга юборган бўлишлари ҳам мумкин», — деб ёзган турк тарихчиси Нермин Менеменси ўғли эҳтимол ҳақлидир.

Анвар Пошо 1921 йил октябрда Бухоро шаҳрига келди. Орадан кўп ўтмай у Шарқий Бухородаги мужоҳидлар сафига бориб қўшилди.

Анвар Пошо ватанпарварларнинг жанговор кучини янада оширди. У Шарқий Бухорода бирлашган лашкар бунёд этди ва уни мустаҳкамлади, ғарбча қўмондонлик услубини жорий қилди. Бутун Туркистон ҳудудида большевиклар ва советларга қарши курашаётган ватанпарвар кучларнинг ҳаракатлари ягона марказга мувофиқлаштирилди. Анвар Пошо ёрдамида Бухоро, Фарғона, Хоразм қўрбошиларининг учрашувлари ўтказиб турилди ва уларга керакли йўл-йўриқлар берилди. Анвар Пошо билан Шермуҳаммадбек ва Жунайидхон ўртасида доимий равишда ўзаро алоқалар бўлиб турган.

Анвар Пошо, ўзи башорат қилганидек, Туркистон тупроғида шаҳид бўлди. Бухоро телеграф агентлиги томонидан 1922 йил 16 августда чиқарилган шошилинч ахборотномада қуйидагиларни ўқиймиз:

«Балжувон ва Хаволинг атрофларида Анварнинг... ўлими... босмачиларнинг йўлбошчиси Анвар Пошо қўл жангида бешта ҳалокатли жароҳат олиб, ўлдирилди».

Ғарбий Бухоро (Бухоро ва Кармана вилоятлари)даги мужоҳидларнинг сардори бўлган Мулла Абдулқаҳҳор (1884-1924) ҳам кўзга кўринган йирик қўрбоши бўлган. Бухоронинг собиқ амири ўз хотираларида мулла Абдулқаҳҳор фаолиятига махсус тўхталиб, унинг қилган ишларини алоҳида бобда ёритган.

Мулла Абдулқаҳҳор бошчилигида Бухоро ва Карманада ўнлаб қўрбоши дасталари фаолият кўрсатди. Бир ҳужжатда ёзилишича, унинг қўл остидаги Бухоронинг ғарбий қисмидан 20 та қўрбоши бирлашган Ўрмон Полвон, Метан Полвон, Наим Полвон, Шукур Хўжа, Жўра Амин, Ҳайит Амин, Остон Қоровулбеги (Остонча), Саид Мансур, Мурод Мишкоб, Азимхўжа, Ҳамро Полвон, Тош Мурдашўй, Хушвақт ва Сирожхўжа каби сардорлар унинг энг нуфузли қўрбошилари саналган. Метан Полвон ва Наим Полвон Мулла Абдулқаҳҳорнинг туғишган укалари бўлиб, душманга нисбатан шафқатсизликлари билан ном чиқарган эдилар. Улар асосан Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитан туманлари ва Нуротада ўз фаолиятларини кучайтирдилар.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ФА Тарих институти докторанти

(Давоми бор.)

3

Шарқшунос олим ва мураббий

Тарих фанлари доктори, профессор Ғуломжон Аҳмаджонов эл оғзига тушган таниқли олим ва устозлардан биридир. 70 баҳорни кўрган, бутун умрини ёш авлодни тарбиялаш ва илмга сарфлаган Ғ. Аҳмаджонов узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

У ўз касбининг фидойиси, меҳнатсевар ва тинибтинчимас киши сифатида ҳурматга сазовор бўлди.

У 1928 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1946 йилда ТошДУнинг шарқ факультетига ўқишга кирди. 1951 йилда факультетни хорижий шарқ мамлакатлари тарихи ихтисослиги бўйича тугатди. 1952-1955 йилларда ТошДУнинг аспирантурасида ўқиди. У илмий изланишларнинг барча қийинчиликларини енгиб, билимини тобора такомиллаштириб борди. Натижада 1955 йилда номзодлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилиб, Туркистоннинг XIX аср тарихини ўрганишга муносиб ҳисса қўшди.

1955-1959 йилларда ТошДУнинг тарих факультетида хорижий шарқий мамлакатларнинг тарихи бўйича дарс берди. 1959-1963 йилларда Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида катта илмий ходим лавозимида ишлаб илмий ишни давом эттирди.

1959-1969 йилларда ТошДУнинг тарих факультетида кафедра мудири бўлиб ишлади.

У 1991 йилда «Туркистонни урушиб олиниши ва чоризм ҳукмронлигининг тарихшунослиги» мавзуи бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. 1991 йилда профессорлик унвонига сазовор бўлди. 1991 йилда ТошДУнинг шарқ факультети асосида Тошкент Давлат шарқшунослик институти ташкил этилди. Бу олий ўқув юртига таниқли олим ва устозлар жалб этилди. Уларнинг қаторида Ғ. Аҳмаджонов ҳам бор эди. У бу ерда «Марказий Осиё халқлари тарихи» кафедрасини ташкил этишда муҳим ўрин эгаллади. Бу кафедрага бир неча йиллар мобайнида раҳбарлик қилиб илмий — педагогик ишларни юқори савияда адо этди. Шарқшунос мутахассислар ва юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди. Ундан таълим олган талабалардан фан доктори ва номзодлари, моҳир дипломатия ходимлари ва шарқшунос мутахассислар етишиб чиқди.

Ғ. Аҳмаджонов хорижий мамлакатлардан келган талабаларга ҳам устозлик қилди. У қатор китоб ва мақолаларнинг ҳам муаллифидир. Масалан, «Марказий Осиёда Россия империяси», «Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишининг тарихшунослиги», «Республика Бангладеш» сингари ишлари шулар жумласидандир.

У республика ва халқаро илмий конференцияларнинг қатнашчисидир. Ҳимоялар бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгашларнинг аъзосидир.

Ғ. Аҳмаджонов кўп йиллик педагогик фаолияти учун «Олий мактаб аълочиси» нишони, «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланган.

Ҳозирда у мустақиллик ва озодликдан руҳланган ва тетиклашган ҳолда илмий-педагогик фаолиятини самарали давом эттирмоқда.

Ғуломжон Аҳмаджоновни табаррук 70 ёшга кириши муносабати билан табриклаб, узоқ-умр ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳ. ЗИЁЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Ҳайдар НОСИРОВ
навбатчи
Бобомурод РАЙИМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида. А—2 форматда. 20.025 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди 21.20
12345

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси: *Мамажонов*
Исми: *Абдунаби*
Отасининг исми:
Қачон, қаерда туғилган: *1898 йил Фарғона вил. Бағдод тум. Дўрмонча қишлоғи*
Ҳозир қаерда яшайди: *Ҳозир ҳам шу қишлоқда яшайди*
Узоқ умр кўришнинг сири (қисқа баён этилади): *Тўғри юриб, тўғри яшаш*
Юз ёшнинг хулосаси (қисқа баён этилади): *Етти ўлчаб, бир кесиш, ҳаёт тажрибаси*

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Абонементни тўғри тўлдирганингизни текширинг!

АБОНЕМЕНТДА КАССА МАШИНАСИНИНГ МУҲРИ БОСИЛГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги ҳақида квитанция берилади.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛГА ОБУНА БЎЛГАНИНГИЗДА ЁКИ МАНЗИЛГОҲ ЎЗГАРИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРГАНИНГИЗДА КАРТОЧКАЛАРНИ СИЁҲ БИЛАН, АНИҚ ВА СЎЗЛАРНИ ҚИСҚАРТИРМАСДАН ЖАДВАЛДАГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИБ ТЎЛДИРИНГ.

Дўстимиз хотираси

Бешафқат ажал дўстимиз, сафдошимиз, ҳамкасабамиз, ҳаммамиз учун қадрли инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Йўлдошев Ҳасан Амировични бевақт орамиздан олиб кетди. Во дариғ, эрталаб биродар ҳамкасабамизнинг жанозасидан бағри ҳувиллаб, юраги ҳасратга тўлиб қайтаётган Ҳасанжон бир соатдан кейин ўзи бошқариб кетаётган автомашинада ҳалокатга учраб, бу дунёдан абадий кўз юмушини ким ҳам ўйлабди дейсиз? Инсоннинг умри шунчалик қисқа, омонат, ҳаёт билан ўлимнинг ораси шунчалик яқин эканки, бу ҳаётда кимдир ўзидан яхши от қолдириб улгураркан, кимдир шилли-қуртдек ўз кавагига ўралиб, яшаб, беному-нишон ўтиб кетаркан.

Ҳасанжон ҳаёт бўлганда келгуси йили 60 ёшга тўларди. Халқимизда «Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ» деган нақл бор. Ҳасанжон ўзининг қисқа, лекин сермазмун умри давомида ўзидан яхши ном қолдиришга улгурди, десак муболаға бўлмайди. Унга Оллоҳ ато этган ишчанлик, қуйди-пишдилик, теварак атрофидаги одамларга ёрдам бериш, мадад бўлиш, уларнинг қувончларини кўриб қувонишдек ажабтовур хислатларни кўриб, уни ҳурмат қилмасдан, ғайратига тасанно айтмасдан илож йўқ эди.

Ҳ. А. Йўлдошев 40 йилдан ортиқ гўшт-сут саноати тизимида меҳнат қилиб келган инсон эди. У ўз меҳнат фаолиятини Олмалиқ гўшт комбинатида оддий ишчи сифатида бошлаб, бир неча йил меҳнатда тобланди, қассобликдан тортиб мастер, цех бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. 27 ёшида шу комбинатга директор бўлиб, 7 йил ишлади. 1973 йилдан бошлаб то ҳаётининг сўнгги кунигача 25 йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент Гўшт комбинати директори, ҳозирда «Тошкент-Гўшт» ҳиссадорлик жамияти раиси сифатида ишлаб келди. Зангиота туманидаги Ўртаовул посёлкасидаги каттадан-кичик Ҳасан Амировичнинг номини ҳурмат билан тилга олади. Чунки у эрта-ю кеч эл-юрт манфаати йўлида, одамларга яхшилик қилиш ниятида ёниб яшади. Унинг бевосита раҳбарлиги, ташаббуси, саъй-ҳаракати билан гўшт комбинатига ёндош ерда 10 мингга яқин одам яшайдиган шаҳрача бунёд бўлди. Комбинатда ишлаб чиқаришда олинган соф даромад ҳисобига ўша йиллари корхона ишчи-хизматчилари учун 110 ўринлик касалхона, кунига 300 та беморни қабул қила оладиган поликлиника, 100 кишига мўлжалланган санаторий-профилакторий, уни олдида боғ, Чирчиқ дарёси бўйида дам олиш зонаси қурилди. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун 11000 ўринлик мактаб, 2 та боғча, ҳунар-техника билим юрти, Бўстонлиқ туманида 800 ўринлик болалар оромгоҳи қурилишида унинг ўзи бош-қош бўлди. Кечаси-ю кундузи тиним билмай, шу қурилишлар биткизилиб, ишга туширилгунча тепасида турди, ҳашарларда баб-баравар тер тўкди. Масжитлар ва қабристонларни таъмирлаш, обод қилишдек ишларга бош-қош бўлиб, кексаларнинг дуосини олди. Бу каби кўплаб ишларни у ҳашар йўли билан, кўпчилик билан бамаслаҳат амалга оширди.

Бизнинг биродаримиз, камтарин, ожизгина инсон Йўлдошев Ҳасан Амирович эзгу ишлари, савоб ва яхшиликлари билан қалбимиздан жой олиб, бир умр орамизда яшайди.

Азиз биродаримизнинг охирати обод, Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин!

Бир гуруҳ дўстлари

Аҳолидан 1940 йилгача қўлда тўқилган ҳар қандай аҳволдаги ГИЛАМЛАР, СЎЗАНАЛАР, КАШТАЛАРНИ қиммат баҳоларда СОТИБ ОЛАМИЗ

«Ориентир» этнография нашриёти.
Тошкентдаги телефонга қўнғироқ қилинг: 136-01-68

Бошқа ҳудудларда ишловчилар гилам суратини қуйидаги манзилга жўнатишларини сўраймиз

Тошкент шаҳри, Главпочтамт, А/Я 1151
Гиламнинг ҳажми, уй манзили ва телефон рақамингизни кўрсатинг.